

Тафтиш инстанциясида  
маърузачи судья: А.Акрамов

Биринчи инстанция судида ишни  
кўрган судья: А.Мамарахимов

Апелляция инстанция судида  
маърузачи судья: З.Ибрагимов

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТ СУДИ**  
**ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ**  
**ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ**  
**А Ж Р И М И**  
**№ 1-1413-2401/110**

2025 йил сентябрь ойининг 18 куни Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанцияси ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи вилоят судининг судьяси Х.Келдиярова, ҳайъат судьялари Т.Алмаматов ва А.Акрамовдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Д.Раджабованинг котиблигида, тарафлардан Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим прокурори У.Рахимов, судланган Ғ.С ҳимоячиси-адвокат А.Негматовнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Пастдарғом туман судининг 2024 йил 15 майдаги ҳукмига кўра, судланган

**С.Ғ.Ф (S.G'F)**, 1996 йил 29 октябрь куни Денов туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, бўйдоқ, мукаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Узун туман судининг 2016 йил 7 июлдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “в” банди ва 28,211-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида, 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, суднинг 2016 йил 12 декабрь кунги ажрими билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2016 йил 12 октябрь кунги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги қарори 2-бандига асосан жазодан озод қилинган;

2) жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2021 йил 18 августдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 165-моддаси 1-қисми билан 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Шеробод туман судининг 2021 йил 28 декабрдаги ажрими билан ЖКнинг 74-моддаси 3-қисми “а” бандига асосан ўталмай қолган 2 йил 3 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жазони тўлиқ ўтамаган, судланганлик ҳолати тугалланмаган, вақтинча ишсиз, Сурхондарё вилояти, Денов тумани, “Водий” маҳалла фуқаролар йиғини, Янгирўзғор 1-кўчаси, 13-уйда рўйхатда туриб, Самарқанд шаҳар, “Қўшқовуз” маҳалласида ижарада яшаганга



нисбатан чиқарилган ҳукм устидан судланган Ғ.Собиржоновнинг келтирган тафтиш шикоятига асосан жиноят ишини тафтиш тартибида кўриб чиқиб, куйидагиларни

**а н и қ л а д и :**

Судланган Ғ.С Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 165-моддаси 2-қисми "а,в" бандлари билан 5 йил, ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида, 5 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2024 йил 25 июндаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Ғ.С жабрланувчига зўрлик ишлатиш, жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан қўрқитиб, жабрланувчини ўз мулкини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш мақсадида 2022 йил 13 февралдан 14 февраль кунига ўтар кечаси соат 21.00 ларда, Пастдарғом тумани, "Чандиробод" МФЙнинг Чандиробод қишлоғида яшовчи Э.Хасановнинг бошқарувида бўлган "Кобалт" русумли, 30 W 079 ХА давлат рақамли автомашинаси билан Самарқанд шаҳридаги "Улуғбек" автошоҳбекатидан Нуробод тумани "Сазағон" қишлоғи ҳудудига бирга келиб кетишганидан сўнг, Э.Хасановнинг телефонига кўнғироқ қилиб, автомашинасида 400 АҚШ доллари ва 500.000 сўм пуллари тушиб қолганлигини ва пулларини қайтариб бермаса ИИБ мурожаат қилишини билдириб, сўнгра бу ҳақда Нуробод туман ИИБнинг (66) 231-98-83 рақамига +998(88) 844-47-47 рақамидан кўнғироқ қилиб, шу куни Э.Хасанов бошқарувида бўлган машинасида Нуробод тумани, "Сазағон" МФЙнинг даштлик ҳудудига олиб келиб, уятсиз-бузуқ ҳаракатлар содир қилганлигини билдириб, унга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб, 2022 йил 14 февраль куни Нуробод туман ИИБ томонидан "Сазағон" МФЙнинг маъмурий биносига чақиртирилганида, таниши Э.Хасанов билан учрашиб, унга уятсиз-бузуқ ҳаракатлар содир қилганлиги учун ИИБ ходимлари томонидан олиб борилаётган мурожаати бўйича терговга қадар текшируви юзасидан жавобгар қилиш билан қўрқитиб, эвазига 400 АҚШ доллари 500.000 сўм пуллари беришини билдириб, шу куни Э.Хасановдан 400 АҚШ доллари ва 500.000 сўм пуллари ҳамда 2022 йил 20 апрель куни Самарқанд шаҳар ИИО ФМБ 6-сон ИИБнинг маъмурий биносида такроран Э.Х 500.000 сўм пуллари олган.

Судланган Ғ.С ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, хавфли рецидивист бўла туриб, такроран собиқ Нуробод туман ИИБнинг ХПБ профилактика инспектори лейтенант У.О (жиноят ишида қисми алоҳида ажратилган) билан ўзаро жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, унинг иш юритувида бўлган 2022 йил 13 февраль кунги Нуробод туман ИИБнинг (66) 231-98-83 рақамига кўнғироқ қилиб йўллаган мурожаати бўйича олиб борилаётган терговга қадар текширув юзасидан тўпланган ҳужжатларни, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 41-моддаси билан жиноят ишлари бўйича Нуробод туман судига кўриб чиқиш учун тақдим этиб, 2022 йил 13 февраль куни Х оғзига жинсий алоқа қилганлиги ва 2022 йил 25 апрелда тайинланган суд тиббий экспертиза текширувидан ўтмаслиги ҳамда жавобгар қилмаслиги учун



1.000 АҚШ доллари беришини талаб қилишиб, 2022 йил 28 апрель куни Нуробод тумани "Сазағон" МФЙда "хотин-қизлар фаоли" вазифасида ишловчи М.Ю "Сазағон" МФЙнинг маъмурий биносидаги хизмат хонасида Э.Хасановдан 500 АҚШ долларини олишган.

Судланган Ғ.С шикоятда, биринчи инстанция суди ишни бир тарафлама кўриб чиққанлиги, суд барча зарарни ундан ундиришни белгилаганлиги, унинг ёши, айбига иқдорлиги ва бўйдоқлигини инобатга олиб, енгиллик беришни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят судининг судьяси А.Акрамовнинг маърузасини, судланган Ғ.С ҳимоячиси-адвокат А.Негматовнинг шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги, прокурор У.Рахимовнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, тафтиш шикоятда келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, суд ҳукмини ўзгаришсиз, тафтиш шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Судланган Ғ.С суд ҳукмида баён қилинган жиноятни содир этганликдаги айби, унинг судда айбига қисман иқдорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, шунингдек ишдаги билдирги, хизмат текширув хулосаси, ариза, стенограмма, кўздан кечириш баённома ва фотожадвал, жабрланувчининг кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённома ва фото илова, овоздан намуналар олиш қарори, дискни эшитиш ва уни стенограмма қилиш қарори, судга оид фонографик экспертиза тайинлаш қарор, ашёвий далил деб эътироф этиш қарори, юзлаштириш ва сўроқ баённомалари каби жиноят ишида мавжуд бошқа объектив далиллар билан тўлиқ ўз исботини топган.

Биринчи инстанция суди томонидан Ғ.Собиржоновнинг жинойий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 165-моддаси 2-қисми "а,в" бандлари билан тўғри квалификация қилинган.

Шикоятдаги, биринчи инстанция суди ишни бир тарафлама кўриб чиққанлиги ҳақидаги важ билан келишиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги "Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги Қарори 2-бандида, далил тегишли субъект томонидан, яъни далилни олиш билан боғлиқ бўлган процессуал ҳаракатни ўтказишга ваколатли мансабдор шахс томонидан олинган бўлиши;

фактга оид маълумотлар фақат ЖПК 81-моддасининг иккинчи қисмида қайд этилган манбалардан олинган бўлиши;

далил уни олиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатни ўтказишга оид қоидалар ва тартибга риоя этилган ҳолда олинган бўлиши;

далилни олишда тергов ва суд ҳаракати жараёни ва натижаларининг қайд этилишига доир қонуннинг барча талабларига амал қилинган бўлиши шартлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Биринчи инстанция суди, жиноят ишини кўришда юқоридаги қоидаларга амал қилган ҳолда, тўпланган далилларга ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳо бериб, ЖПКнинг 22-моддаси талабига асосан иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни синчковлик



билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириб, қонуний ва асосли тўхтамга келган.

Шикоятдаги, суд барча зарарни ундан ундиришни белгилаганлиги ҳақидаги важ билан ҳам келишиб бўлмади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги “Жиноят натижасида етказилган мулкӣ зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 26-сонли қарори 7-бандида, мулкӣ зиён судланувчи ва жиноят иши қисми алоҳида юритувга ажратилган бошқа шахснинг биргаликдаги ҳаракатлари натижасида етказилган ҳолларда суд мулкӣ зиённи тўла ҳажмда қоплаш мажбуриятини судланувчи зиммасига юклашлиги, иши алоҳида юритувга ажратилган шахсга нисбатан кейинчалик айблов ҳукми чиқарилаётганда суд унга мулкӣ зиённи муқаддам судланган маҳкум билан солидар қоплаш мажбуриятини юклашга ҳақли (ФК 1000-моддаси) эканлиги;

суд ҳукмида биргаликдаги ҳаракатлар натижасида етказилган зарарнинг судланувчидан жиноят иши тугатилган ёки алоҳида юритувга ажратилган шахслар билан солидар тартибда ундирилиши тўғрисида кўрсатма берилишига йўл қўйилмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

Иш ҳолатларига кўра, Ғ.Собиржонов 2022 йил 13 февралдан 14 февраль кунига ўтар кечаси соат 21.00 ларда Э.Хасановнинг бошқарувида бўлган "Кобальт" русумли автомашинаси билан Самарқанд шаҳридаги "Улуғбек" автошоҳбекатидан Нуробод тумани "Сазағон" қишлоғи ҳудудига бирга келиб кетишганидан сўнг, Э.Хасановнинг телефонига кўнғироқ қилиб, автомашинасида 400 АҚШ доллари ва 500.000 сўм пуллари тушиб қолганлигини ва пулларини қайтариб бермаса ИИБ мурожаат қилишини билдириб, сўнгра бу ҳақда Нуробод туман ИИБга кўнғироқ қилиб, шу куни Э.Хасанов бошқарувида бўлган машинасида Нуробод тумани, "Сазағон" МФЙнинг даштлик ҳудудига олиб келиб, уятсиз-бузуқ ҳаракатлар содир қилганлигини билдириб, унга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб, 2022 йил 14 февраль куни Нуробод туман ИИБ томонидан "Сазағон" МФЙнинг маъмурий биносига чақиртирилганида, Э.Хасанов билан учрашиб, унга уятсиз-бузуқ ҳаракатлар содир қилганлиги учун ИИБ ходимлари томонидан олиб борилаётган мурожаати бўйича терговга қадар текшируви юзасидан жавобгар қилиш билан кўрқитиб, эвазига 400 АҚШ доллари 500.000 сўм пулларни беришини билдириб, шу куни Э.Хасановдан 400 АҚШ доллари ва 500.000 сўм пулларни ва 2022 йил 20 апрель куни Самарқанд шаҳар ИИО ФМБ 6-сон ИИБнинг маъмурий биносида такроран Э.Хасановдан 500.000 сўм пулларни олган.

Шунингдек, Ғ.Собиржонов ўзининг жинойий ҳаракатларини давом эттириб, хавfli рецидивист бўла туриб, такроран жиноят ишида қисми алоҳида ажратилган шахс билан ўзаро жинойий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, қисми ажратилган шахснинг иш юритувида бўлган 2022 йил 13 февраль кунги Нуробод туман ИИБга кўнғироқ қилиб йўллаган мурожаати бўйича олиб борилаётган терговга қадар текширув юзасидан тўпланган ҳужжатларни, МЖТКнинг 41-моддаси билан жиноят ишлари бўйича Нуробод туман судига куриб чиқиш

н тақдим этиб, 2022 йил 13 февраль куни Э.Хасановнинг оғзига жинсий алоқа қилганлиги ва 2022 йил 25 апрелда тайинланган суд-тиббий экспертиза



текширувидан ўтмаслиги ҳамда жавобгар қилмаслиги учун 1.000 АҚШ доллари беришини талаб қилишиб, 2022 йил 28 апрель куни Нуробод тумани "Сазагон" МФЙ биносидаги "хотин-қизлар фаоли"нинг хизмат хонасида Э.Хасановдан 500 АҚШ долларини олишган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, биринчи инстанция суди судланган Ғ.С жабрланувчи Э.Хасановнинг фойдасига 12.429.865 сўм ундиришни белгилаб, тўғри хулосага келган.

Шикоятда, Ғ.Собиржоновнинг ёши, айбига иқдорлиги ва бўйдоқлигини инобатга олиб, енгиллик бериш ҳақида важ келтирган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 4-қисмида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги;

ЖКнинг 7-моддаси 2-қисмида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги;

8-моддаси 1-қисмида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

42-моддаси 2-қисмида, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жинoий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши;

54-моддасида, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсни ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши лозимлиги белгиланган.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги 1-сонли қарори 3-бандида, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги;

26-бандида, озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга, шунингдек судланувчининг шахсини инобатга олган ҳолда – ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан, агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса, қўлланилиши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Биринчи инстанция суди судланувчи Ғ.Собиржоновга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7,8-моддаларида кўрсатилган инсонпарварлик ва одиллик принципларига, Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги 1-сонли қарори тушунтиришларига риоя қилиб, Ғ.С



томонидан содир этилган жиноят – ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасига кўра, тажовуз объекти талон-торож қилинаётган мол-мулкни тартибга солишга қаратилган ижтимоий муносабатлар ва жабрланувчининг қонун билан кўриқланадиган шахсий ҳуқуқлари эканлиги, ушбу жиноий қилмишнинг қонунда оғир жиноят тоифасига киритилганлиги муносабати билан ижтимоий хавфли ҳисобланишини, жабрланувчининг даъвоси борлиги, муқаддам судланиб, жазони ўташ давомида жиноят содир қилганлигини инобатга олиш билан бирга, унинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омилларни, ёшини, содир этган жиноий қилмишига иқроор бўлиб берган илтимосномаси, пушаймонлиги, инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 165-моддаси 2-қисми санкциясида назарда тутилган озоликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, ЖКнинг 60, 61-моддалари тартибида, янги ҳукм билан тайинланган жазога илгариги ҳукм билан тайинланган жазонинг ўталмаган қисмини қисман қўшиш йўли билан ўташ учун узил-кесил озоликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, қонуний, асосли ва адолатли тўхтамга келган.

ЖПКнинг 521<sup>4</sup>-моддасида, вилоят суди жиноят ишини тафтиш тартибида кўриб чиқиб, унинг натижаларига кўра биринчи инстанция, апелляция ёки кассация инстанцияси судининг ҳукмини, ажримини ўзгаришсиз қолдириш, тафтиш тартибида берилган шикоятни қаноатлантирмасдан қолдириш тўғрисида қарор қабул қилиши белгиланган.

Шунга кўра, судлов ҳайъати шикоятдаги важлар биринчи инстанция судининг ҳукми ва апелляция инстанция ажримини ўзгартириш ёки бекор қилишга асос бўла олмаслиги сабабли, биринчи инстанцияси судининг ҳукми ва апелляция инстанцияси ажримини ўзгаришсиз, шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 521<sup>4</sup> ва 521<sup>6</sup>-моддаларини қўллаб, тафтиш инстанцияси суди

### **а ж р и м қ и л а д и :**

Судланган С.Ғ.Ф (S.G'.F)га нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Пастдарғом туман судининг 2024 йил 15 майдаги ҳукми ва Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2024 йил 25 июндаги ажрими ўзгаришсиз, тафтиш шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

**Раислик қилувчи, судья**

(имзо)

**Х.Келдиярова**

**Ҳайъат судьялари**

(имзо)

**Т.Алмаматов**

(имзо)

**А.Акрамов**

“Ажрим нусхаси аслига тўғри”

